



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚҮМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги ПҚ-3947-сон “Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатиши молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида” қарорига мувофиқ, шунингдек Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гурухнинг (ФАТФ) тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қиласи:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона қўмитаси
расиси**

Тошкент ш.
2021 йил 15 апрель,
01-02/12-25 сон



Азимов М. Б.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг
2021 йил 15 апрелдаги
01-02/12-25-сон қарорига
ИЛОВА

**Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2, 7 ва 10-бандлардаги “қонун” деган сўз “қонунчилик” деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

“2¹. Қонунчилик хужжатларига мувофиқ ёзма декларацияланиши лозим бўлган жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси Декларациянинг ажралмас қисми ҳисобланадиган иловасини тўлдириш ва божхона органи ходимига тақдим этиш йўли билан божхона назоратидан ўтказилади.”.

3. 5-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Йўловчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти (www.bojxona.uz) орқали Декларацияни чоп этиб қўлда тўлдирилган ҳолда ёки электрон шаклда тўлдириб чоп этган ҳолда, ўз имзолари билан тасдиқлаб божхона органларига тақдим этиши мумкин.”.

4. Қуйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

“7¹. Декларация иловаси қуйидаги тарзда тўлдирилади:

1-бандда шахс тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, туғилган санаси, паспортининг серияси ва рақами) ҳамда транзит ўтиш мамлакатлари номи кўрсатилади;

2-банд божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси декларацияловчи шахсга тегишли бўлмаган ҳолларда қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси эгаси ҳақида маълумотлар (жисмоний шахснинг фамилияси, исми);

б) жисмоний шахснинг тўлиқ манзили (давлат номи, маъмурий-худудий бирлиги (худуд, вилоят, туман ва х.к.), аҳоли яшаш пункти ва қўча номи, уй ва хонадон рақами);

в) божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси суммаси, номинал қиймати ёки чет эл валютасидаги эквивалент суммаси, валюта номи ва миқдори;

3-бандда тегишли катакларга “X” белгисини қўйиш йўли билан тўлдирилади ва (ёки) “Бошқалар” қисмida Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси бошқа келиб чиқиши манбаси кўрсатилади;

4-бандда тегишли катакларга “X” белгисини қўйиш йўли билан тўлдирилади ва (ёки) “Бошқалар” қисмida Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютасининг

қайси мақсадларда фойдаланилиши күрсатилади.”.

5. 15-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

“15. Декларациянинг 5 ва 6-бандларидағи (товарлар тұғрисидаги маълумотлар қисми) ҳамда иловасининг 2-бандидаги ёзувлар божхона органи ходими томонидан бирор-бир үзгартериш ва қўшимчалар киритилишини олдини олиш максадида узлуксиз чизик билан доирага олинади ҳамда ёзув учун назарда тутилган барча бўш жойлар эса чизиб қўйилади.”.

6. 16-бандидаги “Декларациянинг орқа томонига” деган сўзлардан кейин “ва иловасига” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. Илова мазкур үзгартериш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Йүлөвчи болжона декларациясини
тұлдариш за расмийлаштириши тартыби
тұғрисидаги йүрікнамага
қириллаётган үзгартыриш
за күшимчаларга
ИЛОВА

“Йұловчы божхона декларациясынің тұлдіриші за расмийлаштириш тартиби түркисидаги йүрікномага
ИЛОВА
(олд томони)

-сон ЙЎЛОВЧИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Мазкур Декларация 16 ёшга тўлган шахс томонидан тўлдирилади.
Тегишили саволлардаги керакли катақчаларга "Х" белгисини чизиш йўли билан жавоб берилади.
Мазкур Декларацияни Узбекистон Республикасига кириш ёки ундан чиқишининг бутун давомида саклаб туриш тавсия этилади.

1. Шахс түғрисида маълумотлар:

Фамилияси	Исми
Туғилган санаси:	жинси:
кун ой йил	эркак <input type="checkbox"/> аёл <input type="checkbox"/>
Паспорт серияси ва раҳами	
Доимий яшаш мамлакати	
Фуқаролиги	

Мен ойлан оирга то ешга тулмаган Ияк Сони
шахслар ҳаракатланымақда

2. Ҳаракат түри:

Кириш Чыкыш Транзит

Қайси мамлакатдан келди (жұнаб кетған мамлакати күрсетилади)

Қайсы мамлакатта борапты
(бориши мамлакати күрсатилади)

3. Сафар мақсади:

Хизмат Ўқишиш Иш Саёҳат

Қарндошларини йүқлаш Даволаниш Доимий яшаш жойы Тижорат

5. Ёзма декларацияланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси, нақд чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги ва миқдори кўрсатилади:^{*}

Т/р	Валюта номи	Миңдори	
		Рақам билан	Езув билан
1.			
2.			
3.			

Хар кандай күриншилдеги ва холаттагы киммәтбахо металдар ва киммәтбахо топшардан ясалған буюмдар.

1.		
2.		

(орқа томони)

6. Товарлар ва транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар:

Т/р	Товарлариг юоми (фарқлаш хусусиятлари, рухсат берувчи дужжатнинг раками, берилган санаси ва уни берган орган)	Миндори		Ўлчов бирлиги	Қиймати, АҚШ долларида
		Ракам билан	Ёзув билан		
1.					
2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					
9.					
10.					
11.					
12.					
13.					
14.					
15.					

Умумий киймати (жами)

Транспорт воситаси тўғрисида маълумотлар:

Давлат раками _____ тури, русуми _____

Декларацияга иотуғри маълумотлар кўрсатганилик учун қонунчилик дужжатларига мувофиқ жавобгарлика торттилши тўғрисида хабардорман.

20 ____ йил “____” _____ Шахснинг шахсий имзоси _____

Божхона органи ҳодимининг шахсий муҳри ўрини

*Изоҳ: қонунчилик дужжатларига мувофиқ ёзма декларацияланиси лозими бўлган Ўзбекистон Республикасининг нақд өвлотаси ва (ёки) нақд чет зл өвлотаси маёвжуд бўлганда, декларация иловаси тўлдирилади.

—сон ЙЎЛОВЧИ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИГА
ИЛОВА

1. Шахс тўғрисида кўшимча маълумотлар:

Фамилияси	Исми	Туғилган санаси
Паспорт серияси ва рақами	Транзит ўтиш мамлакатлари	

2. Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси тўғрисида маълумот: (шахсга тегишли бўлмаган холларда тўлдирвалади)

Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси заси хакида маълумотлар (фамилияси, исми)	Жисмоний шахснинг тўлиқ мазили (давлат номи, мъзмурий-худудий бирлиги (худуд, вилоят, туман ва х.к.), аҳоли яшаш пунктни ва кўча номи, уй ва хонадан рақами	Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси суммаси, номинал киймати ёки чет эл валютаслиги эквивалент суммаси, валюта номи ва миқдори

3. Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси келиб чиқиш манбаси тўғрисида маълумот:

Иш хаки, жисмоний шахснинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар	<input type="checkbox"/> Дивидендлар ва ташкилотларнинг устав (акциядорлик ва бошжалар) капиталида катнашнишдан олинган бошха даромадлар	<input type="checkbox"/> Кўчмаса ва (ёки) кўчмас мулкни сотиндан олинган даромадлар	<input type="checkbox"/> Жисмоний ва (ёки) юридик шахслардан олинган беғараз ўтказмалар (моддий ёрдам, грантлар ва бошжалар)
--	--	---	--

Пенсия, стипендия, ижтимоий нафакалар, алментлар	<input type="checkbox"/> Кўчмас мулх ва ер майдонларини ижарага бернишлан олинган даромад	<input type="checkbox"/> Карз маблағари	<input type="checkbox"/> Мерос
--	---	---	--------------------------------

Бошжалар (кўрсатилсан) _____

4. Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасидан ва (ёки) нақд чет эл валютаидан фойдаланиш мақсади тўғрисида маълумот:

Жорий харажатлар (товар ва хизматлар сотиб олиш)	<input type="checkbox"/> Инвестишиналар, шу жумладан кўчмас мулк сотиб олиш	<input type="checkbox"/> Жисмоний шахслар фойдалига беғараз ўтказмалар (моддий ёрдам ва бошжалар)	<input type="checkbox"/> Юридик шахслар фойдалига беғараз ўтказмалар (хайрия, беғараз ёрдам ва бошжалар)
--	---	---	--

Бошжалар (кўрсатилсан) _____

Декларацияда ва унинг иловасида хотүгри маълумотлар кўрсатганлик учун қонунчилик хужжатларига мувоффик жавобгарликка торттилиш тўғрисида хабардорман.

20 ____ йил “____” _____ Шахснинг шахсий имзоси _____

Божхона органи ҳодимининг шахсий мухри ўрини.